

ФАҚИРЛИК - НАВОИЙ ИХТИЁР ЭТГАН МАРТАБА

*Гулбаҳор Ашурова – ТошДЎТАУ
доценти, филология фанлари номзоди*

Миллий адабиёт ва санъатимиз равнақида Шухрат Ризаевнинг муносиб ўрни бор. Илмий-адабий жамоатчилик ва кенг халқ уни қатор тадқиқотлари, рисола, дарслик, ўқув қўлланма билан яқиндан танийди. Олим илмий изланишлари хусусан, жаҳид драматургияси ҳақидаги монографиясида илгари сурилган теран мулоҳазалар, фикр-мулоҳазалар ифодаси китобхонни бефарқ қолдирмайди. Кейинги йилларда Шухрат Ризаев ўз илмий изланишларига рағбат берган устоз алломалар ҳақида адабий-танқидий мақолалар ёзди, хотираларини эълон қилди. Ўзбеккино ва театр оламида кечаётган умидбахш жараёнлар, диққатга лойиқ янги ижодий изланишларни ҳозиржавоблик билан таҳлилга тортди. Таниқли режиссёрлар ҳаёти ва ижодини ёритишдек хайрли ишларга бош қўшди.

Шухрат Ризаев нафақат таниқли адабиётшунос олим, балки моҳир драматург ҳам. У *“Искандар”*, *“Она”*, *“Дискоотека”* сингари қатор драматик асарларнинг муаллифи ҳамдир. Яқин йилларда чоп этилган Шухрат Ризаевнинг *“Маънавият манзиллари: Пьесалар ва мақолалар”* (2008) китобига *“Искандар”* номли икки парда, саккиз кўринишли драма¹ ҳам киритилган Бу асар аслида, ўтган асрнинг 90- йилларида Алишер Навоий *“Хамса”* си оҳангларида ёзилган. Асарнинг боши ва охирида келтирилган Алишер Навоий ва шайх Нуриддин Жомий суҳбатлари истисно қилинса, драманинг ҳар бир кўринишида Навоий образи кузатувчи сифатида иштирок этади. Мазкур кўринишлар сўнгида у воқеа-ҳодиса ва ҳолат-кечинмага мутаносиб куй оҳангларда сахна олдида пайдо бўлиб, томошабинга қарата ҳиссий хитоблар қилади².

¹ Ризаев Шухрат. Қаранг: Маънавият манзиллари: Пьесалар ва мақолалар. -Тошкент, Фафур Фулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи, 2008. -Б. 4-33.

² Қаранг: Биринчи парда: 9-,11-,15-; Иккинчи парда: 17-, 22-, 25-, 30- бетлар.

Навоийнинг дostonлари нега драматург диққатини жалб қилди?-деган ҳақли савол туғилади. Бизнингча, “*Хамса*” даги қисса ва ҳикоятлар барча замон ва маконларда ҳам аҳли дониш ҳамда аҳли маъни эътиборида бўлиб келган. Агар диққат қилинса, драмага асос бўлган “*Сади Искандарий*”ни дунёга келишида Навоий қисман афсонавий, аммо ўз даври учун мўътабар бўлган манбааларга таяниб иш кўргани ойдинлашади.³ Жумладан, дoston муқаддимасида Одам Атодан то Муҳаммад Мустафо (с.а.в) гача ўтган подшоҳлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Назаримизда, улардан қуйидаги муддаолар кўзланган:

Биринчидан, бу ўткинчи фоний дунёда мағрурликка берилиш маъкул иш эмас. Чунки, бутун мулклар асл эгаси, жон ато этиб уни олувчи ҳам ёлғиз Тангридир.

Иккинчидан, даҳри дун ташлаб кетилувчи маскан эканлиги, шоҳ ўзининг бутун эътиборини адолат, тадбиркорлик, халқпарварлик ва бунёдкорликка қаратиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, зулм ва ситамкорлик қилган Заҳҳок, Афросиёб ва Ашки Доро; ишратпараст Кубод ибн Феруз, Парвез ибн Баҳром; азизларни хор қилган Шеруяга ўхшаган кимсалар оламга устун бўла олишмагани ҳаётий ибратдир. Демак, Навоий одаму оламга ақл ва тафаккур назари билан қарашга даъват этмоқда. Драманинг асосий ғоясида ҳам бу руҳ сезилиб туради.

Драманинг биринчи пардаси ритмида кузатилган уд созининг ҳазин овози аста-секин дилкаш ва оромбахш садолар билан алмашинади. Иккинчи пардада эса, куйлар нағма-оҳангига хос ғамгин кўшиқ бўлиб янграб, аста-секин шижоаткор оҳанглар билан алмашинади. Сўнгра қайғу-ҳасратни унутиш тилагидан келиб чиқиб, шодлик кўшиғи янграйди. Аммо, кейинги кўринишда дунёдан наво тилаб, бенаволиғ йўлини тутган шоир руҳий пўртаналарига мутаносиб тарзда чанг мунгли куйи жўр бўлади. Сўнгра

³ Алишер Навоий асарларида тарихда тўрт минг уч юз ўттиз икки йилу ўн ой ҳукмронлик қилган тўртта сулола: *пейшодийдар, кайнийлар, ашконийлар ва сосонийлар* ҳақида мухтасар маълумотлар келтиради. У таянган “тарих” ларда ўтмиш муайян даражада афсонавий характерда баён қилинган. Айрим шоҳлар беш юз йил, эҳтимолки минг йил ҳукмронлик қилишгани ҳақидаги ахборотлар бу фикрни тасдиқлайди.

найнинг роҳатбахш наволари таралади. Драма охирида эса, Қуръон тиловати садолари янграйди. Кўринадики, ғам - шижоат – хуррамлик – мунг – сокинлик оҳанглари китобхон (*томошабин*) онгу руҳиятига таъсир этади. Алмашинаётган ритмга монанд кечувчи жараёнлар гўё инсон умри – инсоният тақдирига ишора қилинади.

“*Хамса*” да Навоийнинг инсон, борлиқ, ўзлик, илоҳиёт, дин, тасаввуф ҳақидаги фалсафий ва ҳаётий қарашлари ифодаланган. Айниқса, “*Саҳди Искандарий*” достони шоирнинг адолат ва маърифат ҳақидаги эстетик идеали, ижтимоий-сиёсий концепциясини кўрсатувчи кўзгусидир. Достон ғоясида марказлашган давлат учун кураш мотиви, адолатли шоҳ романтик образи ётади⁴. Навоий поэтик фантазиясига кўра: жамиятда адолат, маърифат, осойишталик ва фаровонлик қарор топиши идеал қаҳрамон сиймосидаги ибрат бўлгулик эзгу хислатларга боғлиқ. Тийнатида шоҳ ва олимлик сифатлари узвий туташган Искандар тимсолини ХУ асрга яқинлаштирган Навоий мазкур фозил шахс образидан муайян амалий мақсадларни кўзлаган. Яъни ўз даври ижтимоий-сиёсий, ахлоқий- маърифий муаммоларга урғу берган.

Достонда бош қаҳрамон ҳаёти-фаолияти силсиласи бир неча эпизодлар асосига қурилади ва аксарият “*саргузашт*” лар шоҳнинг олимларга муносабати ва улар билан ҳамкор-ҳамнафаслиги негизида кечиб, асар ижтимоий-фалсафий моҳияти чуқурлашади. Драматург Шухрат Ризаев ўз асарига Навоийнинг бутун бошли достони эмас, балки Файлакус ҳаётининг сўнгги кунлари, Искандар тахтга чиқиши ва Доро билан музокаралари ҳамда икки лашкар тўқнашуви жараёнларини асос қилиб олади. Драмага теранрок

⁴ Маълумки, қадимги дунё машҳур лашкарбошиси ва давлат арбоби “Искандар” образи Клитарх, Онескрит, Плутарх тарихий-биографик асарлари; грек, форс, бактрия, шак, парфияний, хоразмий ва бошқа халқлар афсона-ривоятларида яшаб келган. Илоҳий кудрат тимсоли - Искандар ҳақидаги тасаввур ва талқинларда аҳмонийлар сулоласи ҳукмронлигини емириб, зардуштийликка барҳам берган зулмкор кимса характери ва насл насабига мутлақо ўзгариб кетган. У дастлаб мисрлик ва кейинчалик эроний ҳукмдорга айланиб афсонавий-тарихий характер касб этган. “*Искандар ва Девона*”, “*Искандар ва хоқон*” типидagi ривоятлар, “*Искандари Зулқарнайн*” каби эртақларда у донишманд, халқпарвар, олижаноб инсон сифатида тасвирланган. Маҳмуд Қошғарий, Носириддин Рабғузий, Фирдавсий, Низомий, Дехлавий ва бошқа кўплаб адибларнинг асарлари ҳамда фольклор намуналари билан яқиндан танишган Навоий адабий анъанага ижодий ёндашиб, жаҳонгир файласуф, идеал ҳукмдор образини яратган.

разм солинса, аслида ҳукмдорлар эмас, балки адолат ва маърифат билан жаҳолатнинг тўқнашиб, адолатнинг қарор топиши тасвирланган.

Иқтидорли шахзода Искандар оқил, олижаноб маърифатли инсон. Илм-фан ҳомийси ва бағрикенг, беғараз амаллар соҳиби. У тадбиркор, мурувватли, карами кенг ва қаноатли шоҳ тимсоли. Шоҳнинг бундай гўзал фазилатлари Арастунинг отаси Нақуможис таълим-тарбияси билан боғлиқ тарзда изоҳланади. Валиаҳд отаси Файлақуснинг ўрнига тожу тахтни эгаллаш жараёнлари ғоятда хайратли тарзда тасвирланган. У оғир ва масъулиятли вазифани эгаллашга мутлақо шошилмайди. Билим ва тажриба орттиришга шайланган шахзода ўзини “*нотавон*” ва қобилиятсиз санайди. Ҳукмдорликни қабул қилишда турли андешаларга боради. У мол-давлату мансаб-мартабага интилмайди.

Юқоридаги сингари жиҳатлари беихтиёр Хоқон таклиф қилган тожу-тахтга талпинмаган илм-хунар, тажриба-малака орттиришга ҳаракат қилган Фарҳодни эсга солади. Ҳар иккала қаҳрамон ҳам худбинликдан йироқ, оқилу доно, камтарин инсон сиймосида гавдаланади. Улар мамлакат осойишталиги, эл-юрт фаровонлиги учун фидойи кишилар экани боис тахтга муносибдирлар. Жумладан, Искандар эл-юрт раъйига кўра тахтга чиқиб, бошқарувда адолат ўрнатиши, мамлакатда осойишталик ва фаровонлик барқарор бўлишини таъминлайди. Хусусан, қисқа фурсатда амалга оширилган ишлар: фуқарони икки йиллик хирождан озод қилиш, зулмкор амалдорларни мансабларидан четлаштириш ва жазолаш, бозорларда кўзбўямачиликка барҳам бериш, ҳақсизликларга чек қўйиш каби ҳоллар шулар жумласидандир.

Навоий концепциясига кўра: шоҳ - фуқарога инсоф, адолат етказувчи шахс. Золимлар зулмини кесувчи нажоткор. Шунинг учун Искандар Румнинг отаси ҳукмдорлик пайтида Дорога тўлаётган хирожини тўхтатади. Шоҳ Доро ғазаби ҳамда уруш хавфини бартараф этиб, рақибини кечиради. Ҳатто, Доро васиятига амал қилиб, суиқасдчиларни жазолайди. Унинг қариндош-уруғига

азият етказмай, кизи Равшанакка уйланади. Буларнинг барчаси, шох Искандарнинг олижаноблиги белгисидир.

Кўринадикки, Шухрат Ризаев мустақиллик йилларида халқимизга янада яқинлашган Навоий дostonлари ва уларга хос оҳангларда драма ёзиши адабий анъаналарнинг яшовчанлигини кўрсатади. Драмада Навоий даврида Яқин ва Ўрта Шарққа яхши маълум бўлган, “*Садди Искандарий*” да келадиган: Арасту (*Аристотель*), Суқрот (*Сократ*), Афлотун (*Платон*), Хурмус (*Гермес*), Буқрот (*Гиппократ*) ва бошқа файласуфларнинг образлари ҳам мавжуд. Аммо, асар муаллифлари бу алломалари тарихий образларини яратиш ёхуд улар ижтимоий-фалсафий қарашларини шарҳлаш асосий мақсад қилиб олинмаган. Мазкур образлар Навоий дostonи воқеалари ва унинг ғоявий мотивлари ривожда муҳим ўрин тутиб, ўз ўрнида Искандар образини тўлдириш ҳамда такомиллаштиришга хизмат қилдирилади. Искандар ҳар бир мураккаб масалада олимлар билан кенгашиб, уларнинг оқилона фикр-мулоҳазаларига амал қилади. Муаммоларни олимлар кўмаги билан ҳал этиб, хавф-хатарларни бартараф қилади. Алломалар ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол аралашуви аслида, Навоийнинг илм-маърифат ва соғлом тафаккурнинг ҳаётий натижаларига бўлган ишончидан озиқланади. Шундай экан, драмада ҳам ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий муаммолар олимлар тилидан баён қилиниши табиий ҳол. Чунки, Навоий даври илмга кенг йўл берилиб, шоирнинг инсонпарварлик қарашлари унинг нутқ ҳамда суҳбатлари орқали ойдинлашади.

Драматург хамсачилик анъанасининг Навоий ижодига кириб келишини Жомий шахси билан чамбарчас боғлайди. “*Хамса*” яратиш нечоғлик мураккаб ва масъулиятли, заҳматли эканлиги, устози Жомий ўғитларини Навоий қанчалик эътибор билан эъзозлаши ёрқин тасвирланади. Навоийга Жомийнинг беминнат маънавий-руҳий мадади чексиз куч-қувват бағишлайди ва иродасини қувватлантиради. Аслида ҳам:

*Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса Хисрав била Жомий қўлум*

каби мадад тилагидаги эътирофлар гувоҳлик беришича, Навоий мавжуд адабий тажрибаларни ўзлаштирган, устозларига айниқса, Жомийга ҳам устоз, ҳам дўсти сингани муносабатда бўлган.

Айни пайтда, назм бўстони ичра “*гул кўп, чаман кўп*” бўлган бир шароитда “*тарҳи тоза*” ва “*беандоза*” яъни, мутлақо янги ва оригинал асарни дунёга келишидек ижодий мусобақа жараёни ҳатто Навоийдек юксак адабий дид, истеъдод ва қобилият соҳибига ҳам осон бўлмаган. “*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ*” қабалидаги фикрлар бундан гувоҳлик беради. Баъзан шоир: “*Хамса*” ни юзага чиқариш қўлимдан келмаса-чи, дея иккиланган, гумондор ҳолатга тушиш ҳоллари ҳам бўлган. Бу драмада:

Фалак еткурмаса ёнимга они,

Не зам чу чекмишам жонимга они (6 б.)

тарзидаги шоир мисралари орқали берилади. Навоий андишага бориши Искандарнинг дафъатан шоҳликка рози бўлмаган ҳолига қиёсланади. “*Ажаб, шу чоққача ғойибдан келган куч қудрат кўнглимда шавқ завқ ўтини яна алангалатади-ю, бироқ хаёлда “уддалай биламанми-йўқми”, деган қурқув тугёни чарх ураверади. Баайни шоҳлик тахтидан оёқ тортган Искандар каби...*” (6 б.) Карамидан кенг Тангридан етган улуғ файз - ғойибона илҳом куч қудрати боис Навоий бу вазифани қойилмақом уддалаганки, “*Хирадномаи Искандар*” асарида Жомий: “*Осмондан мақтов ёгсин ул қаламга*” дея унинг ижодига юқори баҳо беради. Дарҳақиқат, “*Хамса*” асари орқали буюк Навоийнинг руҳияти, тафаккур юксаклиги, поэтик маҳорати кўзгусидир.

Драманинг иккинчи кўринишида биз Искандарнинг отаси Файлақус образини учратамиз. У ўз аҳволига тафаккур кўзи билан боқувчи, тақдирга тадбир йўқлигини яхши англаган инсон сифатида намоён бўлади. Қарилик ранж-укубатларидан шикоят қилса-да, ўтган умрига шукрона билан яшаётган ва ўз ихтиёри билан тож-тахтни топшириш истагида бўлиши бу шахснинг маънавий баланд даражасини кўрсатади. У ота сифатида: тириклик айёмидаёқ ўғлининг юрт сўрашидан мамнуният сезса, ҳукмдор сифатида: бошқарувда эл манфаатини кўзлайди. Ота-боланинг эътиқоди бут. Файлақус

ўғли Искандарнинг феълида кузатилувчи “*таъби тозалик*” истикболда салтанат ишида халиқит бериши мумкинлигидан хавотирда.

Қизиғи шундаки, Искандар хокисорликни шоҳлик, деб билади. Шу боис дунё ишларига бепарволик билан қарайди. Ҳатто, унинг кўнгли дарвешликни тилайди. Шоҳликдай мушкул савдони одам боласи учун ортиқча юк, деб ҳисоблайди. Бундай ҳоллар Искандар қалби юмшоқлик - ҳалимликка мойил эканини кўрсатади.

Албатта, у ҳукмдорлик ақл ва тадбир билан бўлиши, раҳмдиллик ҳамда қаҳру ғазаб кўшилсагина шоҳлик пойдор бўлишини билади. Отасининг астойдил ўтинчи юрт ва фуқаро ташвишини зиммасига олиб, сиёсатга фаол аралашади. Аммо падари кутганидай, унинг табиати кескин ўзгармайди. Шундай бўлса ҳам, мамлакатга бегонани қўймайди. Отаси номус-орини кўз қорачиғидай сақлаб, шон-шуҳратини янада орттиради.

Шуҳрат Ризаев эстетик концепциясида ҳам дунё бир нафаслик ва ғанимат маскан. Моддий оламдаги мавжуд нарсаларнинг бақосига умид йўқ экан, тожу тахт ҳам ўткинчи, деган навоиёна дунёқараш таъсири кўзга ташланади. Демак, фалак бевафолигидан шикоят руҳи устувор бўлган кезларда жаранглаган уд садоси вафосиз жаҳон билан видолашув, дунёни унутмоқ куйини таратади. Англашиладики, драматург асарининг “*Хамса*” оҳангларида битилганига алоҳида урғу бериши бежиз эмас экан. У фикран ва руҳан дунё ғамларига чора излаган Навоий ва унинг қаҳрамонлари сафида туради. кўнгил истаги ва ота васиятидан қай бирини танлашини билмай, икки ўт орасида қолган, тасаллига муҳтож Искандар ўз ғамларига чорасизликдан чора топади.

Драматург айни лаҳзада гадоликни ихтиёр этган мағриблик подшоҳ ва ҳукмдор Искандар мулоқотини бериб, фикрни янада чуқурлаштиради. Гадо ҳиммати қошида нафақат ҳайрон ва лол, балки таърифга сиғмас даражада хижолатда қолган Искандар унинг жўн бир фақир эмас, балки тўла оқил ва олим эканини эътироф этишга мажбур бўлади. Мол-дунёга рағбати бўлмагани боис тож-тахтдан йироқлигидан бахтиёр бўлган дарвеш кошонани

эмас, вайронани маскан тутган. Чунки, бу маскан ҳам омонат. Шундай экан, жаҳон аҳлининг ўзаро бевафолиғида бирор мантиқ борми? Дунё ғам чекишга арзимас манзил экан, мол-дунё, зеб-зийнат илинжида бир-бирига фириб беришни касб қилиб олган қавмда фаросат мавжудми? Бизнингча, дунёга этак силкиган дарвеш образи орқали Навоий шоҳликдан гадоликни афзал санаган. Чунки жаҳондордан кўра дарвешни озодроқ кўрган. Шунинг учун ҳам Дарвеш дунёдан дил узиб, руҳини озодликка чорлайди. Шоҳ ва гадо муаммоси инсоннинг жамиятдаги мавқеи масаласида пайдо бўлувчи низо ва нифоқларни Навоий дарвешнинг ҳиммати фойдасига ҳал этади:

Д а р в е ш: Ҳаргиз қабристонда кезар эканман, бир муаммо дилимни ўртайди. Бу сўнгаларнинг қай бири шоҳниқию, қай бири гадониқи? Бу икки мато ўлгандаку бир, нечун тирикликда низо қиладилар?!

И с к а н д а р: Ҳа, ўйларинг адоқсиз, савдоларинг кушойиши гумон экан. Аммо ҳимматинг баландлиги мени лол этди. Бу ҳиммат улуғ мартабаларга хос. Воқуан сенинг рутбанг шоҳлиг экан.

Кўринадикки, фақирлик - хушёр ақл ва тафаккур нишонаси. Фақирликдан фахр этиш - улуғ ҳиммат ва камтарлик белгиси. Зотан, оламда интиҳосиз ҳаёт, боқий йигитлик, абадий бойлик ва безавол шодлик йўқ. Шунинг учун ҳам драма ритмида оҳанглар узлуксиз алмашинади. Тангрининг карамидан умидвор Навоий одаму олам ҳақидаги қайғули ўйлардан сиқилган кезларда ўкириб-ўкириб йиғлайди. Бундай лаҳзаларда янграган фиғонли куй унинг ўйларини янада кучайтиради. Китобхон жаҳон ғам-кулфатига қўл силташнинг ягона йўли фақирлик ва камтарлик эканини уқтираётган Навоий ҳазратлари билан фикран ва руҳан учрашади. Шоир талқинича, рўйи замин шоҳлари: ўлимнинг йўлини тўсиш, вақтни жиловлаш, тақдирга тадбир белгилаш, шодлик ва ғамнинг ўзаро ўрин олмашинувига чора кўришдан ожиздирлар. Демак, *гениал шоир ва унга эргашиган драматург эстетик концепциясига кўра фақирлик мартабаси - икки дунё асроридан огоҳлик ўлароқ, ҳиммат бобида шоҳлик мансабидан улуғдир.*

Бинобарин, бундай ибратомуз мисоллар келиб чиқиши жиҳатидан каёнийлар ҳукмдори ҳисобланувчи⁵ Искандар қиссаси баёни учун ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Олимлар панд-насихатлари бош қаҳрамонни сабру иродага ундайди. Улар ҳамдардлиги кўнглига таскин берса, пандлари эса теран хулосаларига асос бўлади. Искандарни ҳаётга тафаккур ва мулоҳаза назари билан қарашга ўргатади. Унинг басират кўзлари ёришади. Вужудида пинҳон сифатларни кашф этишни ўрганади. Вужуд либос эканини англагач, унинг ортидаги қалб олами тилсимлари сари талпинади. Драмада Шуҳрат Ризаев буни румиёна ривоятлар асосида тасдиқлайди ва қиссадан ҳисса чиқариш йўлидан боради. Ўрни билан шохлик “*тузуклари*” дан огоҳ этиб, улардан ибрат олишни Искандар, айна пайтда китобхон (*томошабин*) ихтиёрига қолдиради. Оромбахш куй таралган лаҳзаларда биз бенаво дил соҳиби бўлмиш Навоий қалби дилкаш садоларга муштоқ эканини туямиз.

Демак, драмада тасвирланган Искандар ақлли, донишманд ва олижаноб зот. Илму ҳикмат ишини қўллайдиган забардаст ва диловарсифат йигит сифатида намоён бўлган. У Эрону Рум осойишталигини тилайди. Аммо воқеалар ривожини унинг истагига зид тарзда давом этади. Муҳими, драматург инсон табиатига зид бормайди. Чунки одамлар тутумини уларнинг ички майллар бошқаради, деб билади. Ҳар бир ишда тафаккур йўлбошчи, қаноат ҳамроҳ бўлиши лозимлигини ёқлайди. Шу боис унинг талқинидаги алломалар ҳам тақдирга ризо, айрилиққа сабрли бандалар холос. Тангрининг иродасига кўра дунёи гардун шундай тартиб асосида қурилганки, олам ва одам алал оқибатда интиҳоли ва омонатдир. Шундай экан, ҳукмдор фаросати унинг зийраклиги белгисидир. Ақлсизнинг жоҳиллиги туфайли

⁵ Шарқ мамлакатларида Искандар, Искандар Зулкарнайн номлари билан машҳур бўлган македониялик саркарда ва давлат арбоби Александр (Искандар Мақдуний) нинг каёнийларга дахли йўқ. Аммо у қадимги дунёнинг энг йирик салтанатларидан бирини (географик ҳудуди Ҳинд дарёсидан Дунайга қадар чўзилган) бунёд этгани тарихий ҳақиқатдир. Отаси Филипп II, устози Аристотел, рафиқаси Рахшанак (Роксана аслида Оксартнинг қизи); рақиби Эрон подшоси Дороти III ҳақидаги воқеалари тарихий ҳақиқатга қисман мос келади. Достонда Навоий эстетик идеали билан боғлиқ тарзда юзага чиқувчи бадиий тўқима ва идеаллаштириш ғоятда кучли. Шоир уни объектив феномен сифатида тасаввур қилган. Шу модел асосида ўз даври ҳукмдорларини тушунишга интилган. Адабий қаҳрамонларга дахлдор бу жиҳатлар драмада тўла сақлаб қолинган. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Ковалев С.И. Александр Македонский, Л., 1937; Тревер К. Александр Македонский в Согде, “Вестник истории”, 1947, № 5; Бертельс Е.Э. Роман об Александре и его главные версии на востоке, М.-Л., 1948.

уруш оловига мой пуркалганида Навоий ҳам “*Шоҳнома*” оҳангларига майл билдирадиги, кин ва адоват жанги маҳалида лашкарга шижоат зарурдир. Шижоатки, у шоир қалами билан жаҳонда осойишталикни муқаррар этиб, жаҳолат, фитна, ҳасад ва ғазабга қарши курашувчи тимсолида намоён бўлади.